



MURABBIY
ILMIY-MA'RIFIY JURNAL

“**MURABBIY**”

**ILMIY-MA'RIFIY
JURNAL**

Issue:2 2021

<https://science.jspi.uz/>



Chief Editor:

S.Nazarkasimov, Doctor of Philosophy (Ph.D) in Sociology, Vice-Rector of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

A.Turaev, senior teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Members of the editorial board:

Sh.S.Sharipov - Professor
B.M.Ochilova - Professor
D.Khodjimetova - assistant professor
A.Pardaev - assistant professor
M.N.Khoshimkhonov - assistant professor
A.I.Saidkasimov - assistant professor -
F.K.Akhmedov - assistant professor
B.E.Toshboev - assistant professor
I.N.Akhmedov - PhD
D.Salimova - PhD
N.N.Alimov - assistant professor
M.Saidov - Ph.D.
X.Maxammadiev - teacher

Editorial Representative:

Abrar Turaev
Jizzakh State Pedagogical Institute,
Uzbekistan
Phone: +998933091877
e-mail: ijtimoiy2017@mail.ru

**ONLINE ELECTRONIC
JOURNAL**

“Murabbiy” ilmiy-ma’rifiy jurnali
“Mentor” scientific-educational
journal

Научно-просветительский
журнал “Наставник”

Indexed By:



Published By:

<https://science.jspi.uz/>

Jizzakh State Pedagogical
Institute, Uzbekistan



MUNDARIJA / CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

№	MUALLIFLAR/ AUTHORS / АВТОРЫ	MAQOLA NOMI/ ARTICLE TITLE/ НАЗВАНИЕ СТАТЬИ	SAHIFALAR/ PAGES/ СТРАНИЦЫ
1	Н.А.Шермухамедова	Даврнинг руҳи ва таълим тизими ислохотларининг мутаносиблиги	4-10
2	С.С.Агзамходжаева	Аёл маънавияти – ҳаёт зийнати	11-16
3	О.М.Ғайбуллаев	Ёшларда диний бағрикенгликни шакллантиришнинг фалсафий моҳияти	17-20
4	Г.М.Тўраева	Юксак маънавият маъсулияти	21-28
5	Ф.Б.Файзиева	Ёшлар кибер ижтимоийлашуви амалий социологик тадқиқот объекти сифатида	29-32
6	Ф.Маматқулов	Шахс камолотида маънавиятнинг ўрни	33-38
7	А.А.Қамбаров	Ёшларни маънавий-ахлоқий таҳдидлардан ҳимоя қилишда диний ислохотлар масаласи	39-42
8	С.Э.Ибрагимов	Баркамол авлодни шакллантиришда ғўзаллик тушунчасининг ахамияти	43-47
9	И.М.Арзиматова	Глобаллашувнинг ёшлар маънавий тарбиясига салбий таъсири	48-51
10	Г.Х.То`раева	Globalashuv sharoitida yoshlarda axborot istemoli madaniyatini shakllantirish va rivojlantirish masalalari	52-55
11	У.Б.Муҳаммадиев	Маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашиш ўзликни англашдадир	56-60
12	Н.Алиматова	Глобаллашув шароитида ёшлар онгида миллий ғояни шакллантиришда интеллектуал кадрларнинг роли	61-65
13	S.A. Pilyak	Analysis of the concept of identity in the context of cultural heritage interpretation	66-71
14	Н.Тангиров	Ижод жараёнининг фалсафий таҳлили	72-75
15	М.Мамажонова	Глобаллашув ва маънавий таҳдидларнинг моҳият-мазмуни	76-78
16	Б. Б. Жалолов	Зардуштийлик таълимоти манбалари таҳлиланализ источников учения зороатризма	79-82
17	Ф.Абдусаматов	Ёшлар тарбиясида ислом омили	83-86
18	А.А.Абдурахмонов	Давлат ва жамият бошқарувида ёшлар муаммоларини ҳал қилишнинг устувор йўналишлари	87-91
19	M.Nabiyev	Globalashuv sharoitida ijtimoiy-ma’naviy qadriyatlarga asoslangan mafkuraviy	92-96

		tarbiyaning ahamiyati	
20	М.Маматмусаева	Глобаллашув шароитида мафкуравий тарбиянинг ўрни: муаъmmo ва ечимлар	97-101
21	Н. Davlatova	Jizzax vohasi tojiklari: an’anaviy turmush tarzi va urf-odatlar	102-108
22	З. Миркомилова	Глобаллашув: манфаатлар ва зиддиятлар	109-114
23	С. Музаффаров	Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш маънавий ҳаётнинг долзарб вазифаси	115-118
24	С. Тоштемирова	Глобаллашув шароитида маънавиятни шакллантиришда диний бағрикенгликнинг аҳамияти	119-121
25	С. Каримов	Шахснинг ҳаётий мақсадлари ва уларнинг ижтимоий аҳамияти	122-124
26	А.Э. Зиётова, Э.А. Бозоров	Глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашда таълим-тарбия муассасаларининг вазифалари	125-129
27	А.Ш. Эшмуҳаматов, Ж. Хушбақов	Амир Темур салтанатининг вужудга келиши	130-133
28	А. Пармонов	Ёшлар ватанпарварлиги - хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш кафолати	134-140
29	П. Қулматов	Шах маънавиятини шакллантиришда ота-она масъулияти	141-144
30	Ш.Ж. Хашимов, С.Х. Хашимова	Маънавий глобаллашув, ахборотлашган жамият ва ёшлар тарбияси	145-148
31	А. Холбоев	Ёш авлодни юксак маънавиятли шахс қилиб тарбиялашнинг назарий – педагогик асослари	149-154

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДАДИР

*Муҳаммадиев Усмонхон Боқибиллоевич - Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази
“Қуръоншунослик” шўъбаси раҳбари*

Инсон руҳ ва жисмдан тузилган мукаммал мавжудотдир. У ўзидаги мана шу икки унсурни тарбиялаш орқали камолотга етади. Ҳар икки жиҳатнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, ҳамиша тарбия ва эътиборга муҳтождир. Жисмнинг эҳтиёжларини ҳамиша англаб келамиз. Озуқа, уйқу, тозалик, кийим-кечаклар, дори-дармон сингари воситаларгадоимий мурожаат этамиз. Бироқ, аксарият ҳолларда руҳимиз, яъни ички оламимиз, маънавиятимиз эҳтиёжларини ўз ҳолича қолдирамиз. Уни озуқалантириш, қувватлаш ишларига бепарво қараймиз, керакли чораларни кўрмаймиз. Ваҳоланки, бизнинг моҳиятимизни англаувчи жиҳат манашу ички оламимиздир. Жисмимиз руҳимиз аслиятини юзага чиқарадиган восита холос.

Бугунги глобаллашув даврида маънавий таҳдидларга қарши етарли иммунитетнинг ҳосил бўлмаслиги айнан ички оламимизнинг заифлигидан келиб чиқмоқда. Инсоннинг моҳияти, шахс, жамият ва диний маслак ўрни ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмаслик маънавий тўс-тўпалонлар гирдобига қолиб кетишга сабаб бўлмоқда. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу каби ҳолатларни мулоҳаза қилиб: “Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим”, деган эди(1).

Қуръони каримда маънан юксалиш ҳақидашундай дейилади: **“Батаҳқиқ, ким у(нафс)ни покласа, ютуққа эришди. Ва Батаҳқиқ, ким у(нафс)ни кирласа, ноумид бўлди”**(2). Оятда қалбини поклаб, маънан юксакликка эришган кишиларнинг барча жабҳада ютуққа эришишлари ва аксинча уни кирлаганларнинг яхшиликлардан ноумид бўлиб, таназзулга юз тутишини тушуниб оламиз(3).

Маънан юксалишучун ошиб ўтиш лозим бўлган энг муҳим доvon бу – кишининг ўзидир. Яъни айтилган панд-насихатлар, ўғитлар, кўрсатмаларга қулоқ тутиш, яхшилар йўлидан бориш, ривожланишга интилишни ўрганмас эканмиз, атрофдагилар томонидан бизга қаратилаётган эътибор, яратилаётган имкониятлар бесамар қолиб кетаверади. Биз биринчи навбатда ўзлигимизни англашимиз керак. Шунинг учун ҳикматларда “Ким ўзини таниса Роббисини танийди”, деб айтилган.

Кучли рухий қувватга эга бўлиш йўларининг асосийлари: тарихга назар, бугунни англаш ва эрта ҳақида тафаккур қилишдир. Тарих бизга ўзлигимизни англашга кўмаклашади, бугунни англаш билан ўзлигимизга муносиб ёки йўқлигимизни фаҳмлаймиз, келажак ҳақида тафаккур қилиш бизни интилишга чорлайди.

Абдулла Қодирийнинг таъбири билан айтганда “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрилик, дейдилар”. Буюк адибнинг ушбу сўзининг ҳақиқатини англаган ҳолда ўтмишимизга назар соламиз. Зеро, “Ўзбекистон алломалар юрти” деган иборани барчамиз кўп эшитганмиз, кези келганда, ўзимиз ҳам ғурур билан айтаемиз. Ушбу сўзлар замирида шундай улкан ҳақиқат ва ибратли эътироф ётадики, уларга сазовор бўлиш дунёдаги санокли ўлкаларгагина насиб этган(4).

Тарихдан маълумки, VII асрдан бошлаб узок минтақаларга ёйила бошлаган ислом дини қисқа фурсат ичида етук уламоларни тарбиялаб чиқарди. Бизнинг диёрлардан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримийлар ҳадис илмининг “олтин асрида” яшадилар. Улар яшаган даврда ҳадисларни тўплаш, саҳих (ишончли) ҳадисларни ўзида жамлаган қимматли асарларни тасниф этиш ишлари амалга оширилди.(5). Шу ва кейинги даврларда Мовароуннаҳр диёри уламоларни етиштириб берадиган улуғ маскан сифатида дунёга донг таратди.

“Ўрта Осиё алломалари қомуси”да 2700 нафардан зиёд олиму уламолар ҳақидаги қисқача маълумотлар жой олган. Улар VIII-XIX асрларда яшаб, ижод қилган аждодларимиз бўлиб, бундан Ўзбекистон заминида илму фан тараққиёти, маърифат зиёси ҳамиша мунаввар бўлиб келгани, энг оғир дамларда ҳам юртимизда бунёдкорлик тўхтаб қолмагани ҳақидаги мантиқий хулоса келиб чиқади. (6)

Мисол тариқасида Ҳаким Термизий, Абу Лайс Самарқандий, Имом Мотуридий, Қафқол Шоший, Насафийлар, Бурҳониддин Марғинович сингари ислом уламоларидан жуда кўпларининг номини зикр қилишимиз мумкин. Нажмиддин Умар Насафийнинг “Самарқандия” асарида биргина Самарқандда яшаб ўтган 1010 та уламанинг таржимаи холи келтирилган(7).

“Олтин аср”нинг ёрқин қуёши ўрта асрларгача (XVII асргача) минтақамиз сарҳадларини ёритиб турди. Ушбу даврда ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларидан алломалар, буюк мутафаккирлар етишиб чиқди. Бу даврларда Самарқанд, Шош, Кеш, Насаф, Термиз, Хоразм, Бухоро, Туркистон, Фороб, Хўжанд, Риштон, Марғинов, Сайрам каби шаҳарлар

диёримизнинг илм-маърифат ривожланган шаҳарлари ҳисобланар эди(8). “Ўрта аср шарқ алломалари энциклопедиясида” ушбу шаҳарларда яшаб ижод қилган 650 нафар мутафаккир ҳақида маълумотлар келтирилган.

Шонли тарих яратган буюк миллатнинг бугунги авлодларимизмасида муносиб ворис бўлишдек юксак масъулият турибди. Ота-боболаримизнинг шарафига эришиш, Ватанимизни яна маърифат ўчоғига айлантиришни мақсад қилмоқчи бўлсак, аввало аجدодларимиз ҳаёт йўлини дастурул амал қилиб олишимиз керак.

“Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, деб бежизга айтилмаган. Донолар ўғитлари, халқ мақоллари, айниқса ёшларнинг ички олами, руҳий дунёси ва тафаккурини шакллантиришда ниҳоятда катта ўрин тутди. Уларни меҳнатсеварлик, ватанга садоқатли бўлиш, илм-ҳунар эгаллаш, ҳар ишни ўз вақтида бажариш, лафзида туриш, ота-онага ҳурмат, устозларга эҳтиром кўрсатиш, яхшилик қилишни ўз маслага деб билиш фазилатлари руҳида тарбиялайди(9).

Ҳаёт чиғириқларидан ўтган ҳикматли сўзларда айтиладики, қайси бир миллатнинг кечаси нима нарса билан тараққий этган бўлса, бугуну эртаси ҳам шу нарса билан тараққий этади. Бизнинг аجدодларимиз илму-маърифат билан тараққий этдилар. Улар муқаддас Қуръони каримнинг илк нозил бўлган оятидаги – “**Ўқи**”(10) иборасининг маъносини чуқур англадилар, иккинчи бўлиб нозил қилинган “**Эй, бурканиб ётган. Тур ва огоҳлантир**”(11) оятидан халқни огоҳлантириш, ҳақ йўлга бошлаш илмсизлик ва нодонлик билан бўлмаслигини англаб етдилар.

Шубҳа йўқки, бизнинг ҳам порлоқ келажакимиз фақат ва фақат кучли илм воситасидагина амалга ошади. Ўқиш ва ўрганишдек шарафли ва лаззатли нарса йўқ. Инсон билими билан кадрланади. Ҳазрати Одам алайҳиссаломни фаришталардан ҳам юксак мақомга кўтарган сир илм эди.

Имом Бухорий бобомизнинг шоҳ асари, Қуръони каримдан кейинги иккинчи манба сифатида кўрилувчи “Сухихул Бухорий” асарининг “Илм китоби” қисми биринчи боби “**Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур**”(12) ояти билан бошлаган бўлиб, мазкур оятда имон сўзи илмдан муқаддам келтирилган. Бу эса имон ва илм бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги, илм олишдан мақсад жамиятнинг тараққиёти ва охират саодати экани, имонсиз илм эса инсониятга зарардан бошқа нарса келтирмаслиги баён қилинган. Имон бу – айна ўзиликни англашдир.

Бугун мустақил диёримизда маънавий меросимизни ўрганиш ўзининг янги босқичига чиқмоқда. Бунинг учун ҳукумат даражасида қатор салмоқли

чора-тадбирлар амалга оширилди. Халқаро Ислом академияси, Ислом цивилизациячи маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ҳадис илми Олий мактаби, “Мир Араб” Олий мадрасаси, Имом Термизий илмий тадқиқот маркази ташкил этилди. Ҳозирда ушбу даргоҳларда тадқиқотчилар томонидан аҳолининг барча қатламига аждодларимиз меросини етказиш учун изланишлар олиб борилмоқда(13).

Демак, бугунги глобаллашув даврида маънавий-ахлоқий тақдидларга қарши курашмоқчи, аждодларимизга муносиб ворис бўлмоқчи ва келажакка кучли жамият шакллантира оладиган салоҳиятли авлодлар билан кириб бормоқчи бўлсак фақат ва фақат илм воситасига таянишимиз лозимдир. Илмсиз ўзлигимизни англолмаймиз. Зеро, миллатимиз фахри Имом Бухорий хазратлари айтганидек “Илмдан бошқа нажот йўқ ва ҳеч қачон бўлмагай”.

(1) О.Салимов ва бошқалар. Ёшларга донолар ўғити. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи. Ўзбекистон Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.– Тошкент.2018-йил

(2) Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим” (Ўзбекча изоҳли таржима). “Шамс” сураси 9-10 оят.– Тошкент ислом университети. Тошкент. 2001-йил

(3) Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий. Кашшоф. Дорул маърифат. – Байрут.2009-йил

(4) Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Проф. З.И.Мунавваров таҳрири остида. Ўрта Осиё олимлари қомуси. Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти.–Тошкент.2007-йил.

(5) У.Усмонов ва бошқалар. Мовароуннаҳр алломаларининг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссалари. Мовароуннаҳр нашриёти.–Тошкент-2011-йил

(6) Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Проф. З.И.Мунавваров таҳрири остида. Ўрта Осиё олимлари қомуси. Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти.–Тошкент.2007-йил.

(7) Нажмиддин Насафий. Самарқандия. Ўзбекистон энциклопедияси Давлат илмий нашриёти.–Тошкент.2001-йил

(8) Ш.Зиёдов ва бошқалар. Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий-фалсафий мероси энциклопедияси. Имом Бухорий халқаро маркази. – Самарқанд.2016-йил

(9) О.Салимов ва бошқалар. Ёшларга донолар ўғити. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи. Ўзбекистон Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.– Тошкент.2018-йил

(10) Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим” (Ўзбекча изоҳли таржима). “Алақ” сураси 1- оят. Тошкент ислом университети. – Тошкент. 2001-йил

(11) Ўша манба. “Муддассир” сураси 1-2 ояти

(12) Ўша манба. Мужодала сураси, 11- оят

(13) Халқаро ислом академияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сонли қарори асосида ташкил этилган.

Ислом цивилизацияси маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сонли қарори асосида ташкил этилган.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2855-сонли қарори асосида ташкил этилган.

Ҳадис илми мактаби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 ноябрдаги №896-сонли қарори асосида ташкил этилган.

Мир Араб олий мадрасаси Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10-11 март кунлари Бухоро вилоятига ташриф буюрганида вилоятда “Мир Араб” олий мадрасасини ташкил қилиш бўйича кўрсатмаси асосида ташкил этилган.

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2774-сонли қарори асосида ташкил этилган.